

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШҚУВАТОВ ХОНКЕЛДИ ҲАСАНОВИЧ

**ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАРДА АСЕПТИК ПОДОДЕРМАТИТЛАРИНИ
ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси. 16.00.01–Ҳайвонлар
касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2024

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Эшқуватов Хонкелди Ҳасанович	
Зотли қорамолларда асептик пододерматитларини этиопатогенези, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш.....	5
Эшқуватов Хонкелди Ҳасанович	
Усовершенствование этиопатогенеза, лечения и профилактики асептических пододерматитов у породистых коров.....	2
Eshquvatov Xonkeldi Hasanovich	
Improvement of etiopathogenesis, treatment and prevention of aseptic pododermatitis in purebred cows.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works.....	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШҚУВАТОВ ХОНКЕЛДИ ҲАСАНОВИЧ

**ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАРДА АСЕПТИК ПОДОДЕРМАТИТЛАРИНИ
ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси. 16.00.01–Ҳайвонлар
касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий Аттестация Комиссиясида B2024.1.PhD/V118 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssuv.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Юнусов Худайназар Бекназарович
биология фанлари доктори, профессор
Нийёзов Хаким Бакоевич
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бакиров Бахтияр
ветеринария фанлари доктори, профессор
Турсагатов Жаҳонгир Маматович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «25» 12 соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14383 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2024 йил «13» 12 кунин тарқатилди.
(2024 йил «13» 12 даги № 17 - рақамли реестр баённомаси)



Н.Б.Дилмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, вет.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиги давлатлари чорвачилигида «сигирлар оёқларининг дистал бўлимидаги жарроҳлик касалликлари ўрганилганида, боғловда сақлаш технологияси шароитида парвариш қилинган сигирларнинг 29,66 фоизида туёқ патологиялари қайд этилган ва булардан 16,88 фоизини юмшоқ товон жароҳати, 16,45 фоизини юмшоқ товон яраси, 12,99 фоизини пододерматит ташкил этган»¹. Хусусан, пододерматит бевосита катта қорин ацидозининг асорати бўлиб, бу касаллик синдроми даволашдан кейин ҳам кузатилиши мумкин, чунки овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши натижасида катта қоринда нобуд бўлган бактериялар (эндотоксинлар) гистамин ҳолида қонга ўтади ва пододерматитнинг бевосита сабабчиси бўлиб хизмат қилади, оқибатда улардан соғиладиган сут маҳсулоти кескин камаяди, касал ҳайвон кучли ориқлайди, пуштдорлик кўрсаткичларида жиддий муаммолар пайдо бўлади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда қорамоллар пододерматитларини этиопатогенезини ўрганиш, диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан ушбу патология бугунги кунгача долзарб муаммолигича қолмоқда. Шунга кўра, маҳсулдор сигирларда пододерматит жараёнларини йил фасллари бўйича учраш даражаси, уларни чақирувчи минтақавий этиологик омилларини аниқлаш ва тезкор ташхислаш усулларида фойдаланган ҳолда уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизга хорижий давлатлардан келтирилган зотли сигирлар орасида оёқларнинг дистал соҳаси касалликларини даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аммо чорвачилик биноларининг конструктив номувофиқликлари, шунингдек зоогигиена ҳамда ветеринария-санитария талабларига риоя этмаслик, озиқлантиришдаги етишмовчиликларнинг салбий таъсири ва уларда асептик пододерматит оқибатида маҳсулдорликнинг кескин камайиши ва оғир касалланиш натижасида мажбуран сўйилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу сабабдан хориждан келтирилган қорамолларда туёқлар асептик пододерматитларининг учраш даражасини, ҳайвонлар организмида кеузатиладиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни таҳлил қилиш, касалликка эрта ташхис қўйиш, уларни чақирувчи минтақавий этиологик омилларни аниқлаш, касалликка чалинган ҳайвонларни даволаш ва олдини олишда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

¹ Коломийцев С.М., Толкачёв В.А., Бледнов А.И. Видовая структура и инцидентность регистрации хирургических болезней дистальной части конечностей у коров. Вестник Курской государственной сельскохозяйственной академии. № 4. Курск, 2018. –С. 118-124.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»²ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сигирларда бармоқ ва туёқ касалликларининг сабаблари, ташхиси, даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича хорижий муаллифлардан А.А.Стекольников, А.А.Кириллов, В.А.Лукьяновский, Н.С.Островский, И.С.Панько, М.Т.Байкенов, В.М.Руколь, Е.М.Марьин, В.К.Якоб, В.А.Ермолаев, Д.А.Хузин, Ф.А.Хусниев, Д.Н.Лутфуллин, В.Б.Милаев, В.В.Идогов, Э.И.Веремей, В.А.Журба, В.А.Молоканов, В.М.Щеглов, Р.Каестнер, G.J.Rowlands ва бошқалар, республикаимиз олимларидан Н.Ш.Давлатов, Ҳ.Б.Ниёзов, М.Исаев, Б.Мухтаров, Ф.Худоёрова, Б.Я.Нуридиновлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикаимизнинг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирлар орасида асептик пододерматитларнинг тарқалиши ва уларни чақирувчи минтақавий этиологик омилларни аниқлаш, эртачи ташхис усулини яратиш ҳамда самарали даволаш ва гуруҳли олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланишга багишланган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони.

биотехнологиялар университети)да «Қорамолларда учрайдиган барча юкумсиз, юкумли ва паразитар касалликларни олдини олиш ва даволаш хизматларини кўрсатиш» (2023 й.) бўйича хужалик шартнома Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети) да ҚХА-9-086 «Маҳсулдор сигирларда минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган бармоқ ва туёқ касалликларини даволаш ҳамда олдини олиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш» (2015-2017 й.) мавзусидаги амалий лойиҳа дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулдор сигирларда асептик пододерматит жараёнларининг учраш даражасини аниқлаш, эртачи ташхис усулини ишлаб чиқиш ва даволаш ҳамда гуруҳли олдини олиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хирургик диспансерлаш асосида Самарқанд вилоятининг қорамолчилиikka ихтисослашган хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирларда асептик пододерматитларнинг учраш даражаси ва уларни чакирувчи минтақавий этиологик омилларни аниқлаш;

асептик пододерматит кечаётган сигирларда эртачи ташхис усулини ишлаб чиқиш;

туёқларида асептик пододерматит кечаётган сигирларда касалликни гуруҳли олдини олиш усулини ишлаб чиқиш;

сигирлардаги асептик пододерматитларни эртачи аниқлаш, даволаш ҳамда гуруҳли олдини олиш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва қорамолчилиikka хўжаликларига жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг қорамолчилиikka ихтисослашган хўжаликлари шароитида боқилаётган сигирлар, улардан олинган қон ва ошқозон суюқлиги намуналари, даволаш воситалари, формалин, кальциймаг, Кал-Бор-Маг, фенилбутазон, препаратлари ва Азкамар бентонитидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тажрибалар ўтказилган хўжаликлар, сигирлар ошқозон суюқлигининг рН кўрсаткичи, асептик пододерматитларда сигирларнинг клиник, қондаги морфологик ва қон зардобидagi биокимёвий кўрсаткичлари, уларни даволаш ва олдини олишда қўлланилган препаратлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда клиник, қон намуналарини морфологик ва биокимёвий, ошқозон суюқлигининг рН кўрсаткичинини аниқлаш ҳамда статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сигирлар туёқларидаги асептик пододерматитларнинг йил фасллари ва минтақавий омилларга боғлиқ учраш даражаси аниқланган;

механик шикастланишлар ва катта қорин ацидози маҳсулдор сигирларда туёқлардаги асептик пододерматитларнинг асосий сабаби сифатида илмий асосланган;

сигирлардаги чегараланган ва диффузли асептик пододерматитларни оқсаш, иштаҳа пасайиши, туёқда маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши шунингдек, туёқ кафтининг шохсимон қаватида тўқ қизил, сарик ёки қора доғлар борлиги, баъзан туёқ кафтининг қўшалок шохсимон қавати ҳосил бўлишини аниқлашга асосланган эртачи ташхис усули ишлаб чиқилган;

асептик пододерматит кечаётган сигирларни даволашда организмда моддалар алмашинувини мўтадиллаштириш ва патологик жараёнларида регенерацияни тезлаштириш учун дори моддаларини маълум миқдор ва тартибда қўллашга асосланган даволаш усули такомиллаштирилган;

асептик пододерматитда организмни рағбатлантириш ва яллиғланиш жараёнларини пасайтириш мақсадида, вена қон томирига 250 мл Кал-Бор-Маг ва 5мл/100 кг миқдорда фенилбутазон – 20 препаратларини қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш ва олдини олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларидаги зотли сигирлардаги асептик пододерматитларнинг турлари, учраш даражаси ва келиб чиқиш сабаблари аниқланган;

сигирларда асептик пододерматитларда кузатиладиган клиник, ошқозон суюқлиги ҳамда қон намуналарини морфологик ва биокимёвий ўзгаришлари илмий асосланган;

асептик пододерматитларда организмни рағбатлантириш ва яллиғланиш жараёнларини пасайтириш мақсадида дори моддаларини қўллашнинг маълум миқдор ва тартибда қўллашга асосланган даволаш усуллари такомиллаштирилган;

сигирларда асептик пододерматитларни даволаш ва олдини олишда регенерацияни тезлаштириш ва организмни рағбатлантириш учун янги дори моддаларини қўллашнинг маълум миқдор ва тартибда қўллашга асосланган синовлари ўтказилиб, уларни қўллаш усуллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериб амалий таҳлил қилинганлиги, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқотлар ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигирларда асептик пододерматитларнинг турлари, учраш даражаси, сабаблари, клиник белгилари, даволаш ва олдини олишга қаратилган воситалар синовдан ўтказилганлиги, сигирларнинг организмдаги клиник, морфологик, биокимёвий ўзгаришлари таҳлил қилинганлиги, даволаш ва олдини олишда восита ҳамда усулларнинг

самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда қорамоллар орасида асептик пододерматитларнинг фасллар бўйича учраш даражаси аниқланганлиги, касалликни даволашда ва олдини олишда янги препаратлар амалиётга жорий қилиниши натижасида сигирлар соғайиши, сут ва гўшт маҳсулдорлиги ортиши ва улардан бузоқ олиш орқали фермер хўжаликларига етказилаётган катта иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зотли сигирларда асептик пододерматитларни этиопатогенези, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сигирларда асептик пододерматитларни даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиянома» тасдиқланган, ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 11 октябрдаги 02/23-567-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига сигирларда асептик пододерматитларни даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

маҳсулдор сигирларнинг асептик пододерматитларида битиш жараёнини тезлаштириш мақсадида, 5% ли формалин эритмаси билан ванна қилиш, 4 мл гидрокортизон ва 5мл 0,5% ли новокаин эритмаси мускул орасига, Кал-Бор-Маг150 мл дан вена қон томирига ҳар 24 соатга бир марта жами уч марта, вена қон томирига 5 млдан 100 кг тирик вазнга бир марта фенилбутазон-20 каби дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган даволаш усули Самарқанд вилояти қорамолчилик фермер хўжаликларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 11 октябрдаги 02/23-567-сон маълумотномаси). Ушбу даволаш усулини қўлланилиши натижасида асептик пододерматит бўлган сигирларни 3–4 кун олдин соғайишига эришилган;

маҳсулдор сигирларда асептик пододерматитларни олдини олишда, ҳар куни ўртача 3-4 соат моцион бериш, ҳар 3 ойда бир марта туёқчаларини кесиш, 5%ли формалинли ваннадан ҳар 10 кун оралиғида 2-3 кун давомида ҳайвонларни ўтказиш, туғишига 2 ой қолганда бир бошга 200 граммдан Азкамар бентонитидан бериш, 250 мл Кал-Бор-Маг ва фенилбутазон- 20 препаратларини 5 мл/100 кг миқдорда вена қон томирига юбориб туришга асосланган усули ишлаб чиқилган ва Самарқанд вилояти қорамолчилик фермер хўжаликларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 11 октябрдаги 02/23-567-сон маълумотномаси). Ушбу даволаш ва гуруҳли профилактик мажмуани сигирларда қўллаш орқали асептик пододерматитларни олдини олишга эришилган, сарфланган бир сўмга харажатлар қоплами 3,6 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 9 та жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журнал нашрларда 7 та республика илмий журналларида ва 1 та хорижий журналда, 4 та республика ва 3 та халқаро илмий конференцияларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома тайёрланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи “Йирик шохли ҳайвонларда туёқ касалликларининг учраш даражаси ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар” деб номланган қисмида йирик шохли ҳайвонларда туёқ касалликларининг тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар тўғрисида республикамиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

«Туёқларда патологик жараёнларини келтириб чиқарувчи этиологик омиллар, патогенези ва диагностикаси» деб номланган иккинчи қисмида йирик шохли ҳайвонлар туёқларида асептик жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг кечиши ва ташхис усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари келтирилган. «Туёқлардаги патологик жараёнларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» деб номланган учинчи қисмида йирик шохли ҳайвонлар туёқларида асептик жараёнларни жараёнларни самарали даволаш усуллари, даволаш воситаларининг дозалари, дори воситаларининг организмга таъсири, шунингдек касал ҳайвонларни даволаш, олдини олиш бўйича адабиёт маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқотлар 2009-2024 йилларда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети(собиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институти) “Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик” кафедрасида, вилоят шифохонаси ва “Вакцина маркази” хусусий клиника лабораторияларида, Самарқанд вилояти, Ургут тумани “Аъзам бизнес барака” ва “Учқун” чорвачилик фермер хўжалигида, Тайлоқ тумани “Сиёб Шавкат Орзу” чорвачилик фермер хўжалигида, Самарқанд тумани “Агро Браво”, “Наслли сут сервис” ва “Ферузжон боғлари” чорвачилик фермер хўжаликларида олиб борилди.

Клиник-ортопедик диспансерлаш орқали хўжаликдаги сигирларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш шароитлари ҳамда сут маҳсулдорлигини таҳлил қилиш асосида пода синдроматикаси ўрганилди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш, яъни кўрик, пальпация, перкуссия, пассив ва айланма ҳаракат, юргизиб кўриш усуллари ёрдамида текширилди. Барча тажрибаларда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тўри ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула (Романовский-Гимза усулида бўялган суртмаларда), қондаги гемоглобин миқдори (Сали гемометри ёрдамида (А.А.Кудрявцев ва бошқ.)), қон зардобидидаги умумий оксил миқдори (рефрактометрик усул), оксил фракциялари (Олла-Маккарднинг нефелометрик экспресс усули С.А.Карпюк модификацияси бўйича) аниқланди.


Диссертациянинг «Қорамол туёқларида патологик жараёнларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар, уларни патогенетик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобининг «Сигирлар туёқчалари соҳасида патологик жараёнларининг учраш даражаси ва этиопатогенезининг айрим хусусиятлари» деб номланган биринчи қисмида сигирларда туёқларнинг асептик жараёнлари билан касалланиш даражаси келтирилган.

Самарқанд вилояти, Ургут тумани «Аъзам бизнес барака» ва «Учқун» чорвачилик фермер хўжалигида, Тайлоқ тумани «Сиёб Шавкат Орзу» чорвачилик фермер хўжалигида, Самарқанд тумани «Агро Браво» ва «Ферузжон боғлари» чорвачилик фермер хўжаликларида 2021 йилда 1210 бош сигирларда клиник-ортопедик диспансерлаш ўтказилганда уларнинг 502 бош сигирлар (41,2%) туёқларида асептик жараёнлар кечаётганлиги аниқланган.

Самарқанд вилоятининг «Аъзам бизнес барака», «Учқун», «Сиёб Шавкат Орзу», «Агро Браво» ва «Ферузжон боғлари» чорвачилик фермер хўжаликларида 2021 йилда қорамоллар туёқларидаги асептик пододерматит жараёнлари йилнинг фасл ва ойлари бўйича текшириб борилганда касалланиш даражаси кўпроқ қиш ойларида 153 бошида (12,6%) ва баҳор фаслида 200 бошида (16,5%), ёз фаслида 40 бошида (3,3%), куз фаслида эса 109 бошида

(9%) ва ўртача 125 бош (10,3%) ҳайвонда асептик пододерматит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди.

Текширишлар давомида асептик пододерматит турлари бўйича яъни чегараланган ва диффузли асептик пододерматитлар бўйича текширилганда 76,9% ни чегараланган асептик пододерматит ва 23,1% ни диффузли асептик пододерматит жараёнлари ташкил этди (1-расм).



1-расм. Асептик пододерматитларнинг турлари бўйича учраш даражаси.

Текширишлар натижалари шуни кўрсатдики, туёқ қафти тери асосини сиқилиши ва эзилиши натижасида сероз ёки сероз-фибриноз яллиғланиши ривожланиб бу асосан ҳайвонларни қаттиқ ерларда узоқ вақт давомида юргизишдан, уларни узоқ вақт давомида ташишда айниқса уларни кучли силкиниши, оғир касалликларда бир оёққа узоқ вақт ортиқча юкнинг тушиши, кучли салбий хусусиятларга эга бўлган бетон полларда чорва молларини боғловсиз боқиш натижасида туёқ шох қаватини ўсишини пасайтириб емирилишини тезлаштириб диффузли асептик пододерматит жараёнини ривожланишига олиб келиши аниқланди.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмида сигирлар бармоқларидаги чегараланган асептик пододерматит жараёнлари асосан ўткир ва сурункали кечиб, асосан кўпчилик ҳайвонларда касаллик даражасига қараб оқаш кучайиб бориши билан характерланди.

Касалланган сигирнинг умумий ҳолати қониқарли бўлса-да, аммо сут миқдори кескин камайганлиги қайд қилинди. Ҳайвон умумий пода билан бирга юриб озиқланади. Енгил шикаст ва майда қон қуйилишларда клиник белгилар деярли сезилмади (тозалаш пайтида фақат туёқ шохининг ранги ўзгариши кузатилди). Касалликнинг оғир даражасида, ҳар хил даражадаги таянч оқашлар кузатилди, ҳайвон қаттиқ ерда юргизилганда улар кучая бошлади. Ҳайвонлар кўпроқ ётади, қийинчилик билан ўрнидан туришади, уларнинг кўпчилигида иштаҳа ва маҳсулдорлик пасайганлиги аниқланди.

Сигирлар бармоқларидаги диффузли асептик пододерматит жараёнлари асосан ўткир ва сурункали кечиб, кўпинча бир ёки бир нечта оёқларда касаллик пайдо бўлганда ҳайвон кўпроқ ётади, таянганда тананинг оғирлигини соғлом оёққа ташлаши билан характерланиди.

Ҳаракат пайтида, таянч типидagi кучли оқсаш кузатилди. Туёқлар иссиқ, жуда оғриқли, бармоқлар артерияларининг пулсацияси кучайган. Ҳайвонлар кўпроқ ётади, қийинчилик билан ўрнидан туришади, уларнинг кўпчилигида иштаҳа ва маҳсулдорлик пасайганлиги аниқланди. Туёқ синов қисқичлари билан туёқ қисиб кўрилиб, яллиғланиш жараёнининг жойлашган жойи ва чегаралари аниқланди. Шикастланган туёқлар туёқ пичоғи билан кесиб тозаланганда шох қаватида тўқ қизил, сариқ ёки қора доғлар борлиги, баъзан қўшалок қафт шох пардаси мавжудлиги кузатилди.

Учинчи бобнинг «**Сигирларда катта қорин суюқлигининг айрим кўрсаткичлари**» деб номланган қисмида Тайлоқ тумани “Сиёб Шавкат Орзу” чорвачилик хўжалигидан 5 бош қорамолларнинг катта қорин суюқлиги рН муҳити текширилганда, текширишнинг 1-кунида уртача $6,1 \pm 3,42$ ни ташкил этган бўлса, 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан $6,2 \pm 3,47$ гача, 7-кунида $6,4 \pm 3,59$ гача ва 9-кунида $6,4 \pm 3,58$ гача ошганлиги қайд қилинди.

Шунингдек, Самарқанд тумани “Агро Браво” чорвачилик хўжалигидан 5 бош қорамолларнинг катта қорин суюқлиги рН муҳити текширилганда, текширишнинг 1-кунида ўртача $6,0 \pm 3,36$ ни ташкил этган бўлса, 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан $6,2 \pm 3,48$ гача, 7-кунида - $6,3 \pm 3,58$ гача ва 9-кунида $6,3 \pm 3,53$ гача ошганлиги аниқланди.

Тайлоқ тумани “Сиёб Шавкат Орзу” чорвачилик хўжалигидан 5 бош қорамолларда катта қориннинг ҳаракатчанлиги 2 минутда чап оч биқинини мушт ёрдамида палпация қилиш орқали текширилганда, текширишнинг 1-кунида уртача $2,0 \pm 1,11$ мартани ташкил этган бўлса, 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан $2,2 \pm 1,19$ мартагача, 7-кунида $3,0 \pm 1,71$ мартагача ва 9-кунида $3,0 \pm 1,67$ мартагача ошганлиги қайд қилинди.

Шунга ўхшаш, Самарқанд тумани “Агро Браво” чорвачилик хўжалигидан 5 бош қорамолларда катта қориннинг ҳаракатчанлиги 2 минутда чап оч биқинини палпация қилиш орқали текширилганда, текширишнинг 1-кунида ўртача $2,0 \pm 1,17$ мартани ташкил этган бўлса, 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан $2,0 \pm 1,25$ мартага, 7-кунида $2,5 \pm 1,44$ мартага ва 9-кунида $3,0 \pm 1,75$ мартага ошганлиги қайд қилинди.

Диссертациянинг «**Лаборатория ҳайвонларида бармоқлардаги асептик яллиғланишларини самарали даволаш усуллари аниқлаш**» деб номланган тўртинчи бобининг «**Қуёнларда бармоқларнинг асептик жараёнларини даволаш**» қисмида қуёнлар бармоғида сунъий усулда ҳосил қилинган асептик яллиғланиши жараёнларни даволаш натижалари баён этилган.

Лаборатория ҳайвонлари 15 бош қуёнлар “ўхшаш жуфтликлар” тамойили асосида ажратилиб, 2 та тажриба ва назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмда қуёнларни даволаш муолажалари қўлланилгандан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, бармоғида сунъий усулда ҳосил қилинган асептик яллиғланиш жараёнлари мавжуд биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш ўртача 6-7 кун, иккинчи гуруҳда 8-9 кун ва учинчи гуруҳда 11-12 кун давом этди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бармоқ ва туёқлардаги функцияларнинг морфологик тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан кейин кузатилди.

Тўртинчи бобнинг «**Гематологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмида, вена қон томирига кальциймаг 2 мл ҳар 24 соатга бир марта жами уч марта, фенилбутазон-20 вена қон томирига 0,2 мл ҳар 48 соатга бир марта жами уч марта қўлланилган тажрибадаги иккинчи гуруҳ қуёнлари қони текширилганда, уларда қуйидаги характерли ўзгаришлар намоён бўлиб, эритроцитлар сони текширишларнинг бошида, яъни 3-кунда 7,5% га, 5-кунида 11,2% га камайган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 12,9 фоизга ва 15-кунида эса 14,8% га ошганлиги аниқланди.

Лейкоцитлар сони тажрибанинг 3-кунидан бошлаб кўпая бошлади ва 3-кунида 19,3% га, 5 кунида 22,5% га ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 1,6% га кўпайиши намоён бўлди.

Гемоглобин миқдори текширишларнинг 5-кунида 7,7% га камайган бўлса, тажрибанинг 10- ва 15-кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда, 3,8% ва 5,7% ошганлиги аниқланди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги қуёнларида қондаги лимфоцитлар фоизи тажрибанинг 3-5- ва 10-кунида шунга мос равишда 8%, 14% ва 6% га камайган бўлса, кейинчалик кўпайиб борди ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 4% га кўпайганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Қорамол туёқларидаги асептик яллиғланиш жараёнларини даволаш ва олдини олиш**» деб номланган бешинчи бобининг «**Сигирларда туёқчалар соҳасида асептик яллиғланиш жараёнларини такомиллаштирилган усулларда даволаш**» қисмида сигирларнинг туёқларида асептик яллиғланиш жараёнларини даволаш натижалари баён этилган.

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани “Наслли сут сервис” қорамолчилик фермер хўжалигидан клиник текшириш натижасида туёқ соҳасидаги асептик пододерматит жараёнлари кечаётган 15 бош сигирлар 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳлари, учинчиси назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмида сигирларни даволаш муолажалари қўлланилгандан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, диффузли асептик пододерматит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш ўртача 13 кун, иккинчи гуруҳда 11 кун ва учинчи гуруҳда 15 кун, чегараланган асептик пододерматит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш 11 кун, иккинчи

гурухда 9 кун ва учинчи гурухда 13 кун давом этиб, туёқлардаги функцияларнинг морфологик тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан анча кейин кузатилди.

Бешинчи бобнинг «Гематологик кўрсаткичлар» деб номланган қисмида сигирлар туёқ соҳасидаги асептик пододерматит жараёнларнинг морфологик ва биокимёвий ўзгаришлари қайд қилинган бўлиб, олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, туёқлари тозаланиб қирқилиб, сўнгра 5% ли формалин билан ванна қилиниб, гидрокортизон 4 мл, 0,5% ли новокаин 5 мл мускул орасига, Кал-Бор-Маг (вена қон томирига 250 млдан ҳар 24 соатга бир марта жами уч марта) қўлланилган биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эритроцитлар миқдори бешинчи кунда 1,5 % га, тажрибанинг 10-кунда 3% га камайган бўлса, тажрибанинг охирига келиб эса кўпайиш дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 6,2% ни ($p<0,05$) ташкил этди.

Ушбу гуруҳдаги ҳайвонлар қонида лейкоцитлар миқдори тажрибанинг 5-кундан бошлаб дастлабки кунга нисбатан камайиб борди ва тажриба якунида 4,3% ни ташкил этди, тажрибанинг 10-кунда 5,7% га, тажриба охирида эса 8,5% га ($P<0,05$) камайганлиги қайд этилди. Гемоглабин миқдори даволашнинг 5-кунда 8,7% га ($p<0,05$) кўпайган бўлса, тажрибанинг 10-кунда 16,7% га, кейинчалик унинг максимал кўпайиш даражаси текширишларнинг 20-кунда кузатилди, яъни бунда унинг миқдори 17,9% га ($P<0,05$) ошганлиги намоён бўлди.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тажриба бошига нисбатан 5-кунда 5,1% га камайган бўлса, тажрибанинг 15 кунда 17% ва 25-кунда эса 25,5% га камайганлиги қайд этилди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эозинофиллар фоизи тўлқинсимон характер намоён қилиб, дастлабки кўрсаткичларига нисбатан даволашнинг 5-кунларида 14,6% га камайганган бўлса, тажрибанинг 10-кунга келиб 12,5% га, 15-кунга келиб 6,2% ва тажриба охирига келиб эса 29% га ошганлиги қайд этилди.

Ёш нейтрофилларнинг ўзгаришлари тажрибгача ва тажриба давомида умуман қайд этилмади.

Таёқча ядроли нейтрофиллар фоизи эса даволаш давомида дастлабки кўрсаткичларига нисбатан камайиб борди, тажрибанинг 5-кунда 13,2% га, тажрибанинг 10-кунга келиб 15,8% га, 15-кунга келиб 21,1% га ва даволаш охирига келиб эса 39,5% га камайганлиги аниқланди.

Лейкоформуладаги сигмент ядроли нейтрофиллар миқдори ҳам дастлабки кўрсаткичларига нисбатан тажрибанинг 10-кунга келиб 8,3% га, 15-кунга келиб 24,2% ва тажриба охирига келиб эса 27,6% га ($P<0,05$) камайганлиги намоён бўлди.

Қондаги лимфоцитлар фоиз кўрсаткичи ҳам тажриба давомида кўпайиб бориб, 5-кунларда дастлабки кўрсаткичларига нисбатан 4% га, тажрибанинг 10-кунга келиб 5,4% га, 15-кунга келиб 17,5% ва тажриба охирида эса 17,8% га ($P<0,05$) кўпайганлиги аниқланди.

Моноцитлар миқдори 5-кунида 12,5% га камайган бўлса, тажрибанинг 10-кунидан кўпая бошлади ва дастлабки кўрсаткичларига нисбатан 2% га, даволашнинг 15- кунида 10,4% га ошганлиги ва тажриба охирида эса 12,5% га ошганлиги қайд этилди .

Ушбу гуруҳдаги ҳайвонлар қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари текширилганда, тажрибанинг 5-кунида умумий оқсил миқдори 2,4% га, 10-кунида 5,2% га, 15-кунида 8,1% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, сўнгра у яна ошиб борди ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 11,6% га ($P<0,05$) ошганлиги аниқланди.

Оқсил фракциялари текширилганда, альбуминлар даволаш бошланганидан тажриба охиригача кўпайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 5-кунида альбуминлар миқдори 5,1% га, 10-кунида 10,5% га, 15-кунида 8,1% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, даволаш давомида унинг максимал кўпайиш даражаси 20-кунда кузатилиб 33,5% ни ташкил этди. Текширишларда қон зардобидagi альфа глобулинлар фоизи даволаш давомида камайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 5-кунида альфа глобулинлар фоизи 8,4% га, 10-кунида 19,2% га, 15-кунида 23,4% га камайганлиги намоён бўлган бўлса, тажриба охирига келиб унинг максимал камайиш даражаси 31,7% ни ташкил этди.

Бета глобулинлар миқдорида эса тескари манзара намоён бўлиб, улар фоизи тажриба давомида кўпайиб бориб, тажрибанинг 10-кунида 26,1% га ($P<0,05$), тажриба охирига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 47,6% га ($P<0,05$) ошганлиги қайд қилинди.

Қон зардобидagi гамма глобулинлар миқдори тажриба давомида камайиб борди, бунда тажрибанинг 5-кунида гамма глобулинлар фоизи 1,6% га, 10-кунида 5,2% га, 15-кунида 11,5% га камайганлиги намоён бўлган бўлса, кузатишларнинг охирида келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 23% га камайганлиги аниқланди.


Туёқлари тозаланиб иа қирқилиб, сўнгра 5% ли формалин билан ванна қилиниб, гидрокортизон 4 мл, 0,5% ли новокаин 5 мл мускул орасига, Кал-Бор-Маг (вена қон томирига 250 млдан ҳар 24 соатга бир марта жами уч марта), фенилбутазон-20 (вена қон томирига 5 млдан 100 кг тирик вазнига вена қон томирига ҳар 48 соатга бир марта жами уч марта) қўлланилган тажрибадаги 2-гуруҳ ҳайвонлари қони текширилганда, эритроцитлар сони текширишларнинг бошида, яъни 5-кунда 2,9% га, 15-кунида 7,7% га кўпайган бўлса, тажриба охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 18,4 фоизга ($P<0,05$) ошганлиги аниқланди.

Тажрибадаги ҳайвонлар қонида лейкоцитлар сони тажрибанинг 5-кунидан 6,6% га камайиб ва даволашнинг 10-кунида 10,6% га ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 15,8% га камайиши кузатилди.

Ушбу гуруҳдаги гемоглобин миқдори даволашнинг 5-кунида 1,2% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 15-ва 20-кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда, 7,5% ва 8,5% ($P<0,05$) га ошганлиги аниқланди.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тажриба давомида камайиб бориб, тажрибанинг 5- ва 10-кунида шунга мос равишда 20 ва 22% га камайган бўлса, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 27,2% га камайганлиги намоён бўлди (2-расм).

Иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида эозинофиллар миқдори тажрибанинг 5- ва 10- кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 4% ва 2% га камайиб ва фақат тажрибанинг 15-кунида 9,8% га, даволашнинг охирида 19,6% га ($P<0,05$) кўпайганлиги аниқланди.



2-расм. Иккинчи тажриба гуруҳидаги сигирлар қон кўрсаткичлари.

Ҳайвонлар қонида таёқча ядроли нейтрофиллар фоизи тажрибанинг 5-кунида 2,2% га кўпайган бўлса, даволашнинг 10-кунида эса 10,6% га ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 29,6% га ($P<0,05$) камайиши кузатилди.


Бу гуруҳдаги сигмент ядроли нейтрофиллар фоизи ҳам тажриба давомида камайиб бориб, 5-кунида 2,7% га, даволашнинг 10-кунида 2,9% га, 15- кунида 9% га ва даволашнинг охирида 13,1% га ($P<0,05$) камайганлиги намоён бўлди.

Лейкоформуладаги лимфоцитлар фоизи тажрибанинг 10-кунида 1,7% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, даволашларнинг 20-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 5,9% га кўпайганлиги қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги моноцитлар миқдори эса даволаш давомида ошиб борди тажрибанинг 5-кунида 8,1% га, тажрибанинг 10-кунида эса 21,6% га ($P<0,05$) ошганлиги ва тажрибанинг 20 –кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 45,9% га ($P<0,05$) кўпайганлиги аниқланди.

Иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонлари қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари текширилганда, даволашнинг 5-кунида умумий оксил миқдори

3,8% га, 10-кунида 5,4% га, 15-кунида 6,6% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, сўнгра у яна ошиб борди ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,9% га ($P < 0,05$) ошганлиги аниқланди.

Текширишларда оксил фракциялари яъни альбуминлар миқдори ҳам даволаш бошланганидан тажриба охиригача кўпайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 5-кунида альбуминлар миқдори 2,4% га, 10-кунида 8,9% га, 15-кунида 12% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, даволаш давомида унинг максимал кўпайиш даражаси тажриба охирида кузатилиб 18,5% ни ташкил этди. Альфа-глобулинлар миқдори тажрибалар давомида камайиб бориб, тажрибанинг 5-кунида альбуминлар миқдори 3,1% га, 10-кунида 7,1% га, 15-кунида 16,7% га камайган бўлса, тажриба охирида эса 23,3% га камайганлиги қайд этилди. Бетта-глобулинлар миқдори эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан даволаш бошланганидан тажриба охиригача кўпайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 5-кунида бетта глобулинлар миқдори 13,8% га, 10-кунида 27,7% га, 15-кунида 47,2% га кўпайганлиги кузатилган бўлса, даволаш давомида унинг максимал кўпайиш даражаси тажриба охирида кузатилиб бунда унинг миқдори 58,3% га ошганлиги аниқланди. Қон зардобидоги гамма-глобулинлар миқдори эса тажриба давомида камайиб бориб, бунда тажрибанинг 5-кунида бетта глобулинлар миқдори 3% га, 10-кунида 8,7% га, 15-кунида 9,9% га камайганлиги кузатилган бўлса, даволаш давомида унинг максимал камайиш даражаси тажриба охирида кузатилиб, бунда унинг миқдори 13,8% ни ташкил этди (3-расм).



